АЧИТҚИ ЗАМБУРУҒИ ТЎҒРИСИДА ЗАМОНАВИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Э.Х.Эшбоев[1], Ж.И.Икромов[2]
[1,2]РИДВваКИАТМ, University of Business and Science Наманган шаҳри

DOI: 10.67620/dermajournal.1730031

Ачитқи замбуруғи факультатив паразит шатли патоген хисобланади.Тери, тирноқ хамда шиллиқ соханинг зарарланишига сабаб бўлади. Лекин бу иборани уз пайтида ишлатишни билиш керак. Чунки ачитқи замбуруғи тери ва шиллиқ соханинг нормал микрофлораси хисобланади ва барча одамлар ва ҳайвонларда меёридаги микрофлора хисобланади. Ушбу замбуруғларнинг фермент ишлаб чикиш хусусиятлари етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган. Айрим адабиётларда кератинни парчалайдиган фермент ишлаб чиқариши айтилган.

Тадқиқотимиздаги беморларнинг тирноқ наъмуналарида ҳар доим ачитқи замбуруғлари бошқа патоген замбуруғлар(моғор, дерматомицетлар) билан аралаш келди. Замбуруғлар табиатда жуда кенг тарқалган. Тупроқ таркибидаги замбуруғлар споралари шамол таъсирида ҳаво орқали атроф муҳитга тарқалади ва шу тариқа одам ва хайвонларнинг тери ва шиллиқ соҳасига тушиб туради.

Ачитқи замбуруғи таъсирида келиб чиқадиган онихомикозга аксарият холларда кўп терлаш(гипергидроз), узоқ вақт резина оёқ кийим кийиш, уй ичида ёзда хам хаддан зиёд иссиқ кийиниб юриш, ҳавоси нам муҳитда ишлаш ва нихоят тирноқ ва оёқ терисини тўғри парвариш қилиш одатларининг йўқлиги сабаб бўлади. Тадқиқотлар давом этмоқда.